

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 30 октябрь, пайшанба № 131 (1863).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 30 октября, 2003 г. № 131 (1863).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Мени Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — «Дўстлик» ордени билан таъдирлаганингиз учун Сизга самимий ташаккур ва чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

1996 йили Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг проректори этиб тайинланганимдан бундан Сизнинг таълим соҳасидаги ислохотларни шахсан қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам кўрсатиб келаятиганингизни, Ўзбекистон учун халқаро андозалар даражасидаги юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш йўлидаги тоғлиқ саъй-ҳаракатларингизни доимо ҳис этиб келаман.

Япония молия ва академик доираларининг вакили сифатида,

Сизнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш ва чуқурлаштириш борасидаги узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатингиз аҳамиятини жуда яхши англайман. Сизнинг раҳбарлигингизда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик борасида эришилган натижа — 15 октябрдан миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришишдаги муваффақиятлар Японияда самимий эҳтиром ва ҳайрат уйғотди. Қатъий ишонаманки, бу муваффақиятлар ҳўжалик юртишни эркинлаштириш, бизнесни ривожлантириш, корижий сармоя жалб этиш ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга инте-

грациялашув жараёнини янада тезлаштириш учун мустақкам замин яратишга имкон беради.

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси билан биргаликда бундан буён ҳам Ўзбекистон банк-молия тизими учун мутахассислар тайёрлашга кўмаклашиш ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақкамлаш йўлида бор куч-гайратимни ишга солавераман.

Сиз, Жаноби Олийларига алоқиб ва гўзал мамлакатингизда ислохотларни амалга оширишда янгидан янги муваффақиятлар, мустақкам соғлиқ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,  
Тошхару КИТАМУРА,  
Япония Молия вазирлиги махсус маслаҳатчиси,  
Япония Тараққиёт банки бош ижрочи директори,  
Васеда университети профессори.

## АМАЛИЙ ҲАМҚОРЛИК БЕЛГИСИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирлигининг ўринбосари Ян Хуын раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари Х. Ибрагимов билан учрашди. Мулоқотда томонлар халқаро террорчилик, диний экстремизм ва гўҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама этди.

Хитой делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига гўҳванд моддаларни тадқиқ этишда қўлланиладиган лаборатория мажмуини топширди.

Н. УЛЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Таълим соҳасидаги янги лойиҳа

Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида Республика Урта махсус, касб-хуна таълими марказининг Германия Техникавий ҳамкорлик жамияти ҳамда Германия Тикланиш кредит банки билан ҳамкорликда янги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Германия билан ўрта махсус, касб-хуна таълими соҳаси-

даги икки лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмакдир. «Касб-хуна таълимига кўмак (Ҳамкорлик лойиҳаси. Ахборотлаштириш ва коммуникация технологиялари)» деб номланган янги лойиҳанинг ахборот-компьютер технологияси йўналишига ихтисослашган коллежларда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Унга қўра, ўрта касб-хуна коллежи танлаб оли-

ниб, электрон ва ахборот технологиялари мутахассислари ҳамда шу соҳа учун иқтисодчилар тайёрланади. Беш йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа доирасида коллежлар ва компьютер технологиясига ихтисослашган корхоналар ҳамкорлиги таъминланади.

Янги лойиҳанинг умумий қиймати беш миллион евро ни ташкил этади.

(ЎЗА).

## ● ФУТБОЛ

### ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Пойтахтимиздаги «Нар» спорт-соғломлаштириш мажмуи стадионида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида келас йили бўладиган Осиё чемпионатининг саралаш гуруҳи беллашувлари бошланди.

Баҳодир Тошмуҳаммедов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Шри-Ланка ва Бутан жамоалари билан 7-саралаш гуруҳидан жой олган. Ўсмирларимиз гуруҳдаги биринчи учрашувни Шри-Ланка футболчиларига қарши ўтказди.

Беллашув ўзбекистонлик футболчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Вакилларимиз учрашув тақдирини биринчи бўлимнинг ўзида ҳал қилди. Иқтидорли ҳужумчи Ф. Усмонов тўққиз дақиқа ичида рақиб дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, «хет-трик»ка эриш-

ди. Тўртинчи гол яна бир моҳир ҳужумчи А. Шадрин ҳисобига ёзилди. Шри-Ланка футболчилари ягона жавоб тўпини ўйин тугашига икки дақиқа қолганида 11 метрлик белгидан киритди — 4:1.

— Ҳайда қайд этилган ҳисоб мени қаноатлантирди, — деди ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Б. Тошмуҳаммедов ЎЗА мухбирларига. — Ленин навбатдаги учрашувда ўйин сифатини янада оширишимиз лозим.

Шу кунги 6-саралаш гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Шри-Ланка ёшлар терма жамоалари ҳам куч синашди.

Беллашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ ташаббусни ўз қўлига олган Рауф Инилеев ва Дилшод Нуралиев шогирдлари 23-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Тезкор ҳаракат-

лари билан рақиб ҳимоячиларини шошириб қўйган «Нефтчи» аъзоси Н. Қўзибоев терма жамоамизнинг биринчи голини киритди. Дуранг илинжида майдонга тушган Шри-Ланка ёшлар терма жамоаси аъзолари иккинчи бўлимда ҳимояни ташлаб, ҳужумга ўтишга мажбур бўлди. Бундан унумли фойдаланган Б. Умаров ва М. Бикмаев биттадан гол уриб, ҳисобни йириклаштирди — 3:0.

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари навбатдаги учрашувларни 2-ноябрь кунги бутанлик футболчиларга қарши ўтказди. Вакилларимиз ана шу ўйинларда ғалаба қозонса, ўсмирлар Японияда, ёшлар эса Малайзияда 2004 йили ўтадиган Осиё чемпионати финал қисмига йўлланма олади.

(ЎЗА).

## ● В МИНИСТЕРСТВЕ ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ, НАЗВАНЫ ПОБЕДИТЕЛИ

28 октября 2003 года состоялось заседание Военной коллегии Министерства обороны Республики Узбекистан, в ходе которого были проанализированы результаты подготовки частей и подразделений войск Министерства обороны в минувшем году и поставлены задачи на 2003—2004 учебный год в условиях дальнейшего реформирования Вооруженных Сил. На заседании также были подведены итоги соревнования за передовую воинскую часть и военное учебное заведение. Названы победителями и награждены переходящим призом и

Грамотой Военной Коллегии Министерства обороны в Сухопутных войсках — воинский коллектив под командованием полковника И. Ильясова, в Войсках ПВО и ВВС — часть, возглавляемая майором М. Джанабаевым, среди высших военно-учебных заведений лучшим признано Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище. Приказом Министра обороны поощрен и ряд военнослужащих, добившихся наиболее высоких показателей в боевой учебе и общественно-политической подготовке.

Соб. инф.

## ● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!



Утган ўқув йили давомида капитан Руслан Бобоџонов бошчилик қилаётган тўпчилар дивизиони яхши натижаларга эришди. Ушбу жамоа ҳарбий тайёрлик бўйича округ бўлималари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.  
Александр МРУЧАК олган сурат.

## ● КУЗГИ ЧАҚИРУВ—2003

### МУНОСИБЛАРНИ САРАЛАЯПМИЗ

(дейди Уйчи туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Муҳаммадали Қўчқоров).

— Туманимиз ҳокимлиги, кенг жамоатчилик, айниқса, шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари баҳорги ва кузги чақирувларни юксак савияда ўтказишга алоҳида эътибор билан қарашаётгани қувончли ҳолдир. Бу ҳарбий соҳадаги ислохотлар маҳсули, армия ва халқ яқдиллиги шаклланаётгани сабаблидир. Бўлимимиз офицерлари ва ходимлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда мудофаага кўмакла-

шувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари туман бўлимлари билан яқин ҳамкорликда бўлиб, кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Чақирувдан чақирувгача бўлган муддат оралиғида иккита шаҳарча, саккизта қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги мавжуд 57 маҳаллада тез-тез бўлиб, муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резервидаги, муқобил, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар тўғрисида Қонуни, низомлар, қарорлар ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, тушунтириш ишларини ўтказаяпмиз. Натижада йиғитларимиз орасида армиямизда (Давоми 2-бетда).

# МУНОСИБЛАРНИ САРАЛАЯПМИЗ

(Давоми, Боши 1-бетда).

бурчини адо этишга азму қарор қилганлар сафи тобора кўпайиб бораётир. Очиги, авваллари ақсарият ота-оналар фарзандлари армияга бормаслиги учун турли асосиз баҳоналарни рўқач қилишиб, розилик беришмасди. Энди эса «Мен муддатли ҳарбий хизматга бораман», «Фарзандим армияга боришига розиман» қабилдаги аризалар ортиб бормоқда. Аммо мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосида муддатли ҳарбий хизматга яроқли, энг сара йигитларни танлаяпмиз. Яъни, кўрик-танлов асосида.

Танлов муносибларни саралаш билан бирга, қақрувчиға ҳарбий хизматнинг мавжуд у ёки бу турида хизмат қилиши учун адолатли ҳулоса чиқариб бермоқда. Олиб бораётган ишларимизнинг самарали бўлишида Қизилравот, Жийдакапа, Ёрқўрғон қишлоқ ва Уйчи шаҳарча фуқаролар йигитларининг фаоллари кўрсатаётган амалий ёрдамлари айни муддао бўлапти.

Шунингдек, мактаблар ва коллежларда ҳам бўлиб, қақрувчиға бўлган ёшларни

мизга янги Қонун моҳиятини тушутираяпмиз.

Бундай учрашуларда бўлгуси Ватан ҳимоятчилари қандай имтиёз ва имкониятларга эга бўлиш мумкинлигини ҳам тўлиқ билиб олишмоқда. Бу борада бўлимимиз офицерларидан подполковник Жўрабек Насриддинов, майор Шўхратбек Усмонов, катта лейтенант Маҳаммаджон Умрзоқов, кичик сержант Рустамжон Ёнубоев ҳамда ходимларимиздан Қўролли Кучлар хизматчилари Ҳамидулло Тўйчибоев, Рустамжон Исмоиловларнинг хизматларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Сўхбатимиз кузги қақрув айни авж палласига кирган маҳалга тўғри келгани боис, қақрув пунктида фаоллар, бўлгуси аскарларнинг ҳам фикрларини билишга қизиқдик.

**Олимжон ОБИЛОВ** — меҳнат фахрийси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Шунинг таъкидламоқчиманки, ҳарбий хизматга қақрулаётган ўғилларимиз ўзга юртни эмас, аждодларимиз ҳоли ётган, руҳи кезиб юрган муқаддас Ватанимизни ҳимоя қилишга боришди. Шунинг учун ҳам мен ҳозиргача етти нафар наби-

рамни аскарликка юборгандим. Мана энди саннизиңчи си — Шокиржонни ҳам хизматга йўллаяпман. У ўз ота-онасини, ёр-биродарларини, юртимиз тинчлигини сақлашга боради. Йигит кишига бундан улўғ ва шарафли иш бўлмаса керак, деб ҳисоблайман.

**Улўғбек ОТАМИРЗАЕВ** — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси:

— Уйчилик аскар йигитлар авваллари ҳам ўз бурчларини сидқидилдан адо этиб, юзлари ёруғ бўлиб қайтишган. Ишончим номини, Ватан ҳимоясига кетаётган ҳозирги укаларимиз ҳам шонли аъёнларнинг давом этириб, Ҳасамедларига содиқ бўлишди.

**Исроил АҲМАДЖОНОВ** — бўлгуси аскар:

— Мудофаа ишлари бўлимидан қақрув қозонини олган, жуда ҳаяжонлангандим. Тенгдошларим орасидан сараланиб, муддатли ҳарбий хизматга юборилишим менга улкан масъулият юкляпти.

Мен ва дўстларим билдирилган ишончини оқлашга ҳамиша тайёрмиз.

**Сўхбатни Асқарали МАМАТОВ** ёзиб олди.

# ● ЗАХИРАГА БУШАЕТГАН АСКАРЛАРНИ КУЗАТИШ ҲАЛОЛ ХИЗМАТ МЕВАСИ

Қўролли Кучларимизда кузги қақрув билан биргаликда захирага бўшаётган аскарларни кузатиш тантаналари ҳам қизгин давом этмоқда. Подполковник Ғарибжон Сафаров бошчилигидаги ҳарбий қисмда бу воқеадан шахсий таркибни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш одатга айланган.

— Бу йил ҳам аъло хизмат қилган посбонларни захирага бўшатишни тантанали равишда ўтказаяпмиз. — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи майор Абдураҳмон Эгамбердиев. — Яқинда аскарларимизнинг яна бир гуруҳи байрамона тарзда кузатилди.

Улардан сержант Бунёд Шерматов, оддий аскарлар Бахтиёр Йўлдошев, Шерзод Исаев ва Сардор Султоновларни офицер фахр билан тилга олиб ўтди. Ватанимизнинг турли вилоятларидан келган бу ўғлонлар тез орада бир оила аъзоларидек дўст бўлиб кетишди. Аҳил хизмат қилишиб, қўмондонлик олқишларига сазовор бўла бошлашди. Энди уйларига қайтиш вақти ҳам етиб келди. Бунёд — Жиззахга, Бахтиёр — Наманганга, Сардор билан Шерзодлар Тошкентга қайтишди.

Қисмдаги сўнги кун йигитлар ёдида бир умр сақланиб қолиши шубҳасиз. Бутун шахсий таркиб сафи олдида қисм командири под-

полковник Ғарибжон Сафаров уларга ҳалол хизмат қилганлари учун миннатдорчилик билдириб, Фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширди. Қисм Жанговар байроғи билан хайрлашиб маросими ҳам жуда ҳаяжонли бўлди. Шаҳар темирйўл вокзалигача шахсан командирнинг кузатиб қўйгани ҳам йигитларнинг ҳалол хизмати қанчалик юқори баҳоланганини кўрсатиб турибди.

Тўғри, бир қарашда захирага бўшаётган аскарларга шунча эътибор қаратиш мўҳим эмасдир туюлиши мумкин. Чунки, улар — ким яхши, ким ёмонроқ — ўз бурчини адо этиб бўлишди. Аммо, бу тadbир асосан сафда қолган аскарларга таъсир кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Хизматдошлари қилган меҳнати юқори баҳоланганини ўз кўзи билан кўрган аскар ўзи ҳам худди шундай шон-шарафга эришишни албатта орзу қилади. Демак, хизматга ёндошиши ҳам тубдан ўзгариши табиий.

Майор А. АИНАТДИНОВ.

## ● СИНОВ ИМТИҲОНЛАРИ ЯҚУНЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАМИЗ

### ОТЛИЧНО СЛУЖАТ ОДНОФАМИЛЬЦЫ

Закончилось главные экзамены года — итоговая проверка за прошедший учебный период. В воинских частях подведены итоги боевой учебы, названы имена отличившихся и отстающих. В подразделении, где служит младший сержант по контракту Бекзод Хамраев, командир в числе первых назвал фамилии военных автомобилистов младших сержантов по контракту Икром и Камолиддина Камоловых. Служат они на совесть, увлекают сослуживцев личным примером. За успехи в боевой и общественно-политической подготовке оба воина не раз поощрялись командованием.

— Нам есть на кого равняться. Так и хочется ска-

зать — на братьев Камоловых. Но они не братья, — говорит пулеметчик рядовой Хасанбой Солиев, — однофамильцы, призваны из разных регионов нашей страны.

А схожи Икром и Камолиддин в делах. Все у них получается одинаково хорошо. Исполнительные, трудолюбивые. И успехи у обоих весомые. На итоговой проверке и Камолиддин, и Икром получили отличные оценки по всем предметам обучения.

По словам воинов, Камоловы и впредь будут служить безупречно и овладевать секретами боевого мастерства.

Майор З. ХАИРИТДИНОВ.

### ПОСБОННИНГ БАҲОЛАРИ БЕШ

Капитан Зафаржон Эриқов командирлик вазифасини бажараятган десантчилар батальонида ёзги ўқув мавсуми синов-имтиҳонларида фаол қатнашган посбонлар кўп. Аммо, оддий аскар Уктам Анромов қўлга киритган натижалар жуда ҳам қўвонарли — фақат аъло!

Албатта, илгор аскарнинг тайёргарлик даражаси юксаклиги, эришган муваффақиятлари ҳақида сўз юритилар экан, унинг жамоатчилик ишларида ҳам кўпчиликлка намуна эканлигини

таъкидлаб ўтмоқ керак. Масалан, қисм тарбиявий ишлар бўлими офицери майор Алишер Алимов тарбиявий ишларни ташкиллаштиришда доим Уктамжонни ҳам жалб этади. Сабаби, у олий маълумотли ҳуқуқшунос, компьютерда бемалол ишлай олади. Урни келса, ўзи ҳам бўлималарда ҳуқуқий мавзуда машгулотлар ўтаради. Бир сўз билан айтганда, посбоннинг ишлари ҳам, баҳолари ҳам беш.

Н. АЗИМОВ.



Мўлжалга олувчи оддий аскар Умид Назиров ёзги ўқув мавсумида катта ютуқларга эришди. У ҳамма имтиҳонларни аъло баҳога топширди ва «аълочи» аскар деган номга сазовор бўлди.

Александр МРУЧАК олган сурат.

### В ЧИСЛЕ ЛУЧШИХ — ДВА ШУХРАТА

В подразделении, где служат пулеметчик младший сержант по контракту Шамсиддин Чавонов и стрелок рядовой Содик Сафаров, подведены итоги главных экзаменов года — итоговая проверка за прошедший учебный год. С высокими показателями в боевой и общественно-политической подготовке завершили учебный период снайперы подразделения рядовые Шухрат Нурмонов и Шухрат Шербобоев. Потому на подведении итогов в числе отличившихся командир назвал их имена первыми. При этом он подчеркнул, что рядовые Нурмонов и Шербобоев не ограничивались лишь своими индивидуальными успехами.

Вот что вспоминает их коллега по оружию рядовой Файзулло Дустиабиев:

— Помнится, когда я переступил порог казармы боевого подразделения, первыми ко мне подошли два Шухрата. Они рассказывали о традициях подразделения, как здесь поставлено снайперское дело. Благодарю Нурмонову и Шербобоеву, которые, не жалея ни сил, ни личного времени, делились «секретами» снайперского дела, и я по специальной подготовке на итоговой проверке получил отличные оценки.

— Считанные дни прошли, как два Шухрата успешно завершили учебный год. — говорит заместитель командира взвода по боевой подготовке старший лейтенант Сухроб Ражабов. — Но они не собираются ограничиваться достигнутыми успехами. Достигнутое, как говорят сами воины, не предел. В новом учебном периоде рядовые Нурмонов и Шербобоев намерены взять еще более высокие обязательства. И будут служить под девизом «Рядом с отличником не должно быть отстающих!».

Майор Х. ЗАИНИЛОВ.

## ЮТУҚЛАР НЕГИЗИ УЮШҚОҚЛИК

Катта лейтенант Акбар Каримов етакчилик қилаётган жамоа десантчилар қисмида яқуний синов натижалари бўйича энг яхши натижалардан бирини эгаллади. Натижалар шундай бўлиши керак эди ҳам. Негаки, мазкур жамоа сафларида фақат шартнома бўйича хизматчилар — профессионаллар хизмат қилишди-да. Қолаверса, бари ёш, соғлом, укувли йигитлар. Айни тоғни талдон қиладиган ёшда улар. Фикрлаши, дунёқарашини бир-бирига яқин. Шу боис ўзаро тез тил топишади. Бирон бир тантана бўладиган бўлса, жамоа шунқорлари кўргаз-

мали чиқишлари, қўл жанги машқлари намоёнли билан уюшқонлигининг қай даражада эканлигини небот этадилар. Сирасини айтганда, ўқув йили сўнггидаги яқуний синовлар ҳам уларнинг уюшқонлигини синовдан ўтказди. Дастлаб саф, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликлардан аъло баҳолар билан жамоа кайфияти кўтаринки бўлди. Дейлик, ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан шартнома бўйича хизмат сержантлари Умид Тешабоев, Иббол Мадрахимов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Исқон Шераҳмедовлар аъло баҳолар олди-

ди. Жисмоний тайёргарликлар борасида-ку махсус бўлинмадагиларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхтаб сарайди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Толмас Зоҳидов, Достон Тешабоевлар эса мазкур тайёргарликдан жамоанинг илк аълочилари бўлганлиги учун таъкидлаяпмиз.

Катта лейтенант Каримов 2002 йилдан махсус бўлинмага командирлик қилаётган бўлса-да, қўл остидагилар қалбига тез йўл топа билди. Полигонда у билан ёнма-ён туриб, посбонларнинг ўт очини тайёргарлигини музатди. Машгулотдан

олдин у шунқорларига кўрсатмалар берди. Нишонлар ҳақида, уларни аниқ мўлжалга олиш борасидаги сабоқларини яна бир бор ёдга солди. Бунинг устига посбонлардаги жанговар кайфияти кўтарди. Натижада ушбу тайёргарлик курсантчилари ҳам кўнгилдагидек бўлди.

— Ўқув йили давомида жанговар тайёргарликларда узилтиш бўлган эмас. Айниқса, амалий машгулотларга жиддий эътибор қаратиб келдик. Интизом мустаҳкамлигига ҳам тўлиқ эришдик. Йигитлар давомида ҳар бир посбон ўз мутахассислигини пухта эгаллади. Жамоада бир-бирига кўмакдошлик ҳисси юқори, — дейди катта лейтенант Каримов.

Капитан Алижон САФАРОВ,

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН • ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● МОЗИДАН ДАРАҲ

## УЛКАН ХУМ

Жиззах туманининг Урта Сулоқли қишлоғида яшовчи Ихтиёр Донабоев томорқасида ишлаётиб, улкан хумга дуч келди. Қазиб олинган хумнинг баландлиги салкам икки метр, айланаси эса бир ярим метрдан зиёд эди. Хум ичидан гўдан суякларни чиқди. Ёнидан эса катта ёшли одам жасадининг қолдиқлари топилди.

Самарқанд археология институтининг катта илмий

ходим, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаевнинг айтишича, зардуштийлик одатига кўра, илк ўрта асрларда майит хумга солиб дафи этилган. Бундай идишлар эса «остадон» деб аталган.

Топилма Жиззах вилояти Улкашунослик музейи экспонатлари каторидан ўрин олди.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

● ЭТО ИНТЕРЕСНО

## ТИХИЕ РЕКИ, СЛАДКИЕ ГОРОДА

Енисей — это переделанное на русский лад тунгусское слово «енеси», что означает «большая вода».

Название реки Амур происходит от монгольского слова, означающего «спокойный», «тихий». Такое имя река получила за величавое течение могучих вод.

Промышленный центр Казахстана — город Караганда — получил название от кустарника карагана, произрастающего на территории, где был построен город.

Города, носящие название Сант-Яго, встречаются в разных странах — в Испании, на Кубе и в Чили, а Триполи — в Сирии и Ливии.

Наименование горной системы Гиндукуш означает «убийца индуса». Баб-эль-Мандебский пролив — это «ворота слез».

В департаменте Уаза (Франция) находится город

Кревкер-ле-гран — «огромные неприятности».

На Аляске есть три группы скал, названные открывшими их испанцами: «Альбереохо» — «гляди в оба», «Аларгате» — «отступись» и «Нита Суэньо» — «не спи».

Интересны названия некоторых городов в США: Хонимун — «медовый месяц», Просперити — «процветание», Уэлфи — «богатый» и Баунтифул — «щедрый». А еще Уорри — «печальный», Дрэб — «скучный», Уйдоу вилл — «город вдов».

В Италии есть города Белладжо — «сладкая праздность», и Беневенто — «путного ветра».

В Латинской Америке встречаются такие мрачные названия, как остров Десомье Пунто-Мальдонадо — «мыс, причиняющий несчастья».



Первую такую лодку сконструировал в Лондоне голландский физик Корнелиус Дреббель в 1624 году. Она была построена из дерева, обтянутого намазанной жиром кожей. Двенадцать гребцов двигали веслами, вставлявшимися в специальные отверстия. Во время показа перед королем Яковом I Дреббель со своей командой плавали под поверхностью Темзы в течение 2-х часов. Подводная лодка была задумана как военный корабль, однако военные выступили против ее использования.

Первая подводная лодка, использовавшаяся в военных действиях, была «Американ Тетл» (американская черепаха), спроектированная Дэ-

● ИЗ ИСТОРИИ ВОЕННОЙ ТЕХНИКИ

## ПОДВОДНАЯ ЛОДКА

видом Башнеллом из штата Коннектикут.

Одноместная миниатюрная лодка под управлением сержанта Эзре Ли атаковала флагманский корабль британского флота «Игл». Лодка приблизилась к стоящему на якоре кораблю, но мина, которую Ли прикрепил к его корпусу, оторвалась, и взрыв не причинил никакого вреда. Тем не менее, «Американ Тетл» имеет право считаться первой лодкой с гребным винтом, хотя его применение производилось вручную.

Первая успешная атака подводной лодки произошла 17 февраля 1864 года, когда лодка «Х. Л. Ханлей», вооруженная торпедой-тараном, прокралась в порт Чарльстон и затопила новый корвет федеральных войск. Сила взрыва была настолько велика, что оба корабля взлетели в воздух. Эти небольшие подлодки на ручной тяге были известны также под названием «Дэвид».

Первой подводной лодкой с двигателем была «Ле Плонгейр», водоизмещением 420 тонн. Она была построена в Рошфоре в 1863 году, однако скорость и радиус действия не позволили использовать ее в военных целях.

Первая атомная подводная лодка под названием «Наутилус» была построена в Гротоне, штат Коннектикут, и спущена на воду 21 января 1954 года. Спроектировал лодку адмирал Хьюман Джордж Риквер. Длина лодки составляла 324 фута, водоизмещение — 3747 тонн, максимальная скорость — 20 узлов. В свое первое плавание «Наутилус» отправился 17 января 1955 года, команда состояла из 11 офицеров и 85 матросов. Топливо в реакторе было впервые заменено через два года после того, как лодка прошла 69 тысяч 138 миль.

Подготовил  
**М. САДИВАЛИЕВ.**

● УЗНАВАИ И УДИВЛЯИСЯ

## ВОЛШЕБНЫЕ СЛОВА

Конечно же, это «спасибо» и «пожалуйста». А хотите знать, как «родились» они? Начнем со «спасибо». В старину это было не одно слово, а целых два: «спаси. Бог» (то есть пусть спасет тебя Бог). Так говорили собеседнику в знак благодарности за доброе дело или просто за угощение. Несколько позже эти два слова слились в одно, и получилось — спасибо.

«Пожалуйста» тоже происходит от двух слов: «пожалуй» и «ста». В старину слово «пожалуй» значило «сделай милость». Что до маленького словечка «ста», то это устаревшая форма приставки, которую обычно использовали в общении друг с другом...

«Никита-ста! Великий государь жалует тебя блюдом со своего стола», — эта фраза из романа А. Н. Толстого «Князь Серебряный», где описываются времена Ивана Грозного.

Подготовил  
**В. СЕРГЕЕВ.**

● БИЛИШ ЗИЕН ҚИЛМАЙДИ

## „МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ“



Келажанка режа тузинг. Олдингизга аниқ мақсад қўйинг. Мақсад ҳақиқий ва эришилмайдиган бўлиши керак. Барча диққатингизни мақсадга эришиш учун керак бўладиган янги маълумот ва билимларга қаратинг.

Ҳар дақиқанинг қадрига етинг. Ўзингизни ўзингиз алдаманг. Ўз имкониятларингизни тўғри баҳоламанг.

Қаъғиятли бўлишни ўрганинг. Сиз учун қўнғилсиз жойда «йўқ» дейишни ўрганинг.

Иродаингизни мустаҳкамламанг, ўзингизга талабчан бўлинг.

Қоматингизга аҳамият беринг.

Хатоларингизни тан олишдан қўрқманг. Хатони тан олиш мардликдир, сиздан ҳеч ким баҳона эшитишни хоҳламайди.

Кайфиятингиз яхши бўлмаганида муомаладан қочинг.

Биз ўзгаларни танқид қилишни ёқтираемиз, лекин ўзингизни танқид қилишларини ёқтирмаймиз. Танқиддан хулоса чиқаринг.

Ҳамма мақтовни ёқтирамди. Мақтовларга алданманг.

Пайдо бўлган муаммони ўзингиз ечишга ҳаракат қилинг.

Ишонувчан бўлманг. Ҳамма нарсани текшириб кўришдан қўрқманг.

Тинглашни ўрганинг.

Айёр бўлинг ва олдиндан воқеалар ривожини билишни ўрганинг.

Ақлга асосланиб фикр қилинг — бу тўғри қарор қабул қилишигиз эҳтимолдир, оширади.

Келажакка боқинг, янгиликка интилинг.

Инсонларнинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганинг ва бу билимларни ўз фойдангизга ишлатишни ўрганинг.

Диққатни бир жойга жамлаш — муваффақият гаровидир.

Бир нарсани ўрганмасдан туриб, ҳаётда муваффақиятга эришиш қийин.

Чет элда юз йилдан буён «муваффақият формуласи» дан фойдаланилади. Қуйидаги 10 та қонда амалиётдан сизга маълум. Уларга ҳар қуни амал қилишга ҳаракат қилинг ва сиз дарров натижасини сезасиз.

1. Бугун бажаришигиз мумкин бўлган ишни эртага қолдирманг.

2. Ўзингиз бажаришигиз мумкин бўлган ишни деб ўзгаларни безовта қилманг.

3. Қарзга ҳеч нарса олманг.

4. Арзон, лекин кераксиз буюмни харид қилманг.

5. Ғурур очлик ва совуқдан кўра биз учун қимматга тушади.

6. Кам сганингиздан ҳеч қачон афсусланманг.

7. Бажонидил бажарилган ишда ҳеч қачон қийинчилиги бўлмайди.

8. Содир бўлмаган бахт-сизликдан қувоншдан кўра, эҳтиёткор бўлишга ҳаракат қилинг.

9. Нарсалар ва ҳодисаларни яхши томондан қабул қилинг.


10. Агар жаҳлингиз чиқарган бўлса, гапиришдан аввал 10 гача сананг.

**А. САЛИХОВА** тайёрлади.

## ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР

Уганданинг Какеринг қишлоғида яшовчи 60 ёшли ҳайдовчи Нсероко гаровда голиб чиқди. У пиширилган нагга ҳажмдаги 60 та тухумни ярим соат ичида еб тугатди-я. Газагига эса улкан анапасни афзал кўрди. Агар тухумни пўчоғидан тоза-лаб берувчилар имиллашмаганда, бундан ҳам қисқа вақт ичида еб бўлардим, дейди Нсероко ўзининг бу рекордига қониқмаган ҳолда.

Қуддус шаҳри яқинида яшовчи бир киши товуғининг бу сафарги тухум қўйиши ҳам, албатта, одатий жара-



ёнлардан бири эди. Лекин соҳиб не кўз билан кўрсинки, товуғи ўзи билмаган ҳолда дунё рекордини ўрнатиб қўйибди. Яъни тухумнинг оғирлиги 220 граммни ташкил этди. Одатда товуқ тухуми 50-70 грамм чиқади.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

